

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2017 —
АПРЕЛЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

С.УСМОНОВА

“Беовульф” ва “Алпомиш” дostonларида халқпарварлик ғояларининг бадий ифодаси.....	63
---	----

ТИЛШУНОСЛИК

А.ЗИЯЕВ

Ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги сифат сўз туркумида интенсификация ва деинтенсификация ҳодисасининг намоён бўлиши.....	66
---	----

Н.ХОШИМОВА

Сўзларнинг мазмуний алоқаси тадқиқида занжирли ассоциатив тажрибанинг ўрни	69
--	----

М.ДАНИЕВА

Инглиз тилидаги сўз бирикмалари таркибий қисмларининг ўзаро муносабати.....	72
---	----

Г.ГАНИЕВА

Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида топонимларнинг лингвокогнитив асослари	76
--	----

Д.ТЕШАБОВ

Ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳавола бўлакли эргашган қўшма гаплар.....	80
---	----

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

А.АСИМОВ

Бошланғич синфларда масала ечишдаги ижодий ёндашиш	83
--	----

М.ҚАҲҲОРОВА, З.ПОЗИЛЖОНОВА

Тест турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	85
--	----

Ш.УСМОНОВ

Шахслараро муносабатларда толерантликнинг эмпирик таҳлили.....	88
--	----

ИЛМий АХБОРОТ

М.ҲАКИМОВ, З.ХОДЖАЕВА

Модус ва диктум тушунчалари хусусида	92
--	----

Э.НАСРУЛЛАЕВ

Ўзбек халқ поэтик ижодида дostonчилик аънаналари	95
--	----

Н.ҚОЗОҚОВА

“Шум бола” қиссасининг айрим лексопрагматик хусусиятлари	97
--	----

АДАБИЙ ТАҚВИМ

С.МЎМИНОВ, Т.МЎМИНОВА

Абдулла Орипов шеърларида муаллиф шахсияти ва лирик қаҳрамон.....	99
---	----

ҚУТЛОВ

Сўз илмининг зарғари	101
----------------------------	-----

Касбидан ҳурмат топган устоз.....	102
-----------------------------------	-----

ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

Янгича шакллар таҳлили	104
------------------------------	-----

Библиогрaфия	106
--------------------	-----

ХОТИРА

Камтарлик ва комиллик соҳиби эди	107
--	-----

УДК: 4/414

ЎЗБЕК, РУС, ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАГИ СИФАТ СЎЗ ТУРКУМИДА ИНТЕНСИФИКАЦИЯ ВА ДЕИНТЕНСИФИКАЦИЯ ҲОДИСАНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

А.Зияев

Аннотация

Ушбу мақолада ўзбек, рус ва инглиз тилларида сифат сўз туркумига оид сўзлар маъносини кучайтириш ҳамда кучсизлантириш хусусида фикр юритилади.

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы выражения интенсивности и деинтенсивности значения слов в системе имен прилагательных в узбекском, русском и английском языках.

Annotation

This article is devoted to analysis the ways of intensification and deintensification in the system of adjectives in Uzbek, Russian and English languages.

Таянч сўз ва иборалар: сифат, миқдор, меъёр, интенсификация, деинтенсификация, фонетик усул, морфологик усул, лексик усул, аффиксация, сўз маъносини кучайтириш, сўз маъносини кучсизлантириш.

Ключевые слова и выражения: количество, качество, норма, интенсификация, деинтенсификация, фонетический способ, морфологический способ, лексический способ, аффиксация, способы усиления значения слов.

Key words and expressions: quality, quantity, norm, intensification, deintensification, phonetic way, morphological way, lexical way, affixation, the way of intensify the words meaning.

Инсонлар тил орқали ўзаро мулоқот қиладилар, бир-бирларини фикрларини тушунадилар. Ҳар қандай фикр сўз орқали ифодаланади. Маълумки, инсонлар табиат ва жамиятда мавжуд экан, ўз теваарак-атрофидаги воқеа-ҳодисаларга муносабатини билдиради. Моддий борлиқдаги нарса ва ҳодисалар доимо тўхтовсиз ҳаракатда бўлади. Бу ҳаракатлар натижасида нарса, ҳодисалар ўзгариб, бир турдан бошқа турга, бир шаклдан бошқа шаклга ўтиб туради. Бундай ўзгаришлар инсон онгида белги ва ҳаракатларнинг ўз меъёрий даражасидан ортиқ ёки камлиги, ҳаракатнинг секин ёки тезлиги, бир лаҳзада содир бўлиши, давомийлиги каби нозик томонлари ҳам акс эттиради.

Демак, объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисалар доимо ўзгаришда, ҳаракатда бўлади, лекин ушбу ҳаракатлар бир хил суръатда содир бўлмай, турли шароитда, турлича содир бўлади. Инсон бундай ҳолатларни чуқурроқ ўрганиб боришга ҳаракат қилади. Мазкур ҳолатлар инсон онгида, қиёс қилиш жараёнида акс этади.

Биз тадқиқ этаётган интенсификация/деинтенсификация категориялари ҳам сифат, миқдор, меъёр каби фалсафий категориялар билан узвий боғлиқ бўлиб, у моддий борлиқдаги интенсивлик ҳодисасининг тажалли тарздаги мавҳум кўринишидир.

Шунинг учун ҳам мазкур муаммони

материя ва унинг ҳаракати, тараққиёти, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига тадрижий равишда ўтиб бориши, инкорни инкор каби ўзаро узвий боғлиқ бўлган фалсафий қонуниятлар ва категориялар заминида турибгина тадқиқ этиш мумкин.

Маънони кучайтириш деганда предмет ва ҳаракат белгиларининг одатдаги потенциал чегарадан ортиқлиги, кучлилиги, давомийлиги, меъёрдагидан тезлиги каби маънолар, сўзловчининг таъсирчанлик билан ифодалаган фикрлари назарда тутилади.

Маълумки, ўзбек тилида сифат маъносини кучсизлантиришда *гина*, *кина*, *қина*, аффикслари *фаол* қўлланилади, кичрайтириш, кучсизлантириш учун ишлатилиб, кўшимча олган бўғин урғу олади. Масалан: *яхшигина*, *юмшоққина*, *кичиккина*, *оппоққина*.

Ушбу аффикслар сифат маъносини кичрайтириш ҳамда кучсизлантиришга хизмат қилиб, рус тилидаги *-енький* кўшимчасига мос келади. **Масалан:** *яхшигина* – “хорошенький”, (*яхши* - хороший); *юмшоққина* – “мягонький” (*юмшоқ* - мягкий); *кичиккина* – “малюсенький” (*кичик* - маленький). – *Навоий...* пастгина, кўримсизгина уйга кирди (Ойбек). Рус тилида: *Навои* вошел в низенький, невзрачный дом...

Ўзбек тилида *-иш*, *аш*, *(а)ч*, *(и)ч* аффикслари кўпроқ ранг – тус ифодаловчи сифатлар билан бирикиб, рангени меъёрдагидан камлиги,

А.Зияев – ФарДУ катта илмий-ҳодим изланувчиси, филология фанлари номзоди, доцент.

ТИЛШУНОСЛИК

кучсизлигини ифодалашга хизмат қилиб, рус тилидаги “— оватый”, “— еватый”: кўшимчасига мос келади. Масалан: **оқиш** — “беловатый” (**оқ** - белый); **кўкиш** — “синеватый”, “зеленоватый”, (**кўк** — синий, зеленый); **сарғиш** — “желтоватый”, (**сарик** - желтый); **қизғиш** — “красноватый”

Ўзбек тилида **-(и)мтир / -(и)мтил** кўшимчаси ҳам худди **-иш, аш, (а)ч, (и)ч** кўшимчасига ўхшаб сифат ифодалаган маънони кучсизлантиришга хизмат қилади. Шуни қайд этиш лозимки, бу ҳолат биринчисига қараганда камроқ қўлланилади. **Масалан:** **оқиш** - **оқимтир**, **оқим** - **тил** “беловатый”, (**оқ** - белый); **кўкиш** || **кўкимтир** || **кўкимтил** — “синеватый”, (**кўк** - синий, зеленый); **сарғиш** || **сарғич** || **сарғимтир** | **сарғимтил** — “желтоватый”, (**сарик** - желтый); **қорамтир** || **қорамтил** “черноватый” (**қора** - черный).

Юқорида келтирилган аффикслардан ташқари ўзбек тилида “роқ” аффикси ҳам қиёсий аффикс бўлиши билан бирга сифатларда маънони кучсизлантиришда қўлланилади. Яъни белги маъносининг меъёрига ёки юқори даражага етмаганлигини, бир оз пастлигини, камлигини ҳам кўрсата олади. Масалан: *У эскироқ, жуда тор камзул, оёғига эркакча туфли кийган* (А.Мухтор). Бу мисолдаги **эскироқ** сўзининг маъноси ўша эски сўзидаги тўлиқ маънога бориб етмаган, демак, **-роқ** аффикси ундаги белги маъносини қиёслашга эмас, балки камайтириш, кучсизлантириш учун хизмат қилган.

Булардан ташқари ўзбек тилида **ярим, ним, оч, хил, хийла, сал, айтарли, унча, унчалик ...эмас, у қадар.... эмас** ва бошқа сўзлар ҳам сўз маъноларини кучсизлантиришга хизмат қилади. Масалан: 1. Улар фронтдан хийла узоқ ... ўрмонда эдилар (Ойбек). 2. Айтарли *тузук-қурум* гап йўқ (Саид Ахмад).

Оч сўзи кўпроқ ранг ифодаловчи сўзлар билан қўлланилади. Масалан: **оч қизил, оч пушти, оч кўк, оч сарик**.

Инглиз тилида ҳам сифат ифодалаган рангни кучсизлантириш мумкин. Бунинг учун морфологик ва синтактик усулдан фойдаланилади. Морфологик усулда кучсизлантирилиши керак бўлган сифатга **-ish** суффикси қўшилади, синтактик усулда эса **pale** (оч, очранг), **light, white** (енгил хийла) сифатларини кучсизлантирилиши керак бўлган сифатдан олдин келтирилади. Масалан: **red** қизил — **reddish** - қизғиш, **оч қизил**, **green** - яшил — **greenish** - оч яшил, **яшилсимон**, **pale blue** - кўкиш, **кўкимтир**, **оч кўк**.

On either hand, the valley, wide and shallow, glittered with heat: dark green patches of rye, pale young corn, fallow and meadow and black pine woods spread in a dull, hot diagram under a glistening sky. But right in front of the mountains ranged across, pale blue and very still, snow gleaming gently out of the deep atmosphere (D. H. Lawrence).

His fair eyebrows stood bushy over light blue eyes that" were always flashing with cold fire (Ibid).

The burnished, dark green rye threw off a suffocating heat (Ibid). The Captain had reddish brown, stiff hair, that he wore short upon his skull (Ibid). The high color of his cheeks pushed upwards even to his forehead, where it scattered itself in a few formless patches, of pale red (7. Joyce). That the snowy peaks were radiant among, the sky that the white green glacier river twisted

Предмет ва ҳолатга оид белги хусусиятларининг ортиқлик маънолари, яъни белгининг нормал ҳолатдан юқорилиги, баландлиги ифодаланади. Белги даражасининг ортиқлигини кўрсатишда турлича усуллардан фойдаланилади.

а). сифатларни такрор қўллаш: Бунда урғу сўзнинг биринчи бўғинига тушади. Масалан: **катта-катта**, “большой-пребольшой”. (**катта** -большой); **иссиқ-иссиқ** “горячий-прегорячий”, (**иссиқ** -горячий); **баланд-баланд**, “высокий-превысокий”, (**баланд** - высокий); **ширин-ширин** “сладкий-пресладкий”, (**ширин** - сладкий);

Тадқиқот жараёнида шу нарса маълум бўлдики, рус тилида такрор сўзларнинг иккинчисига **пре** олди кўшимчаси қўйиш орқали ясалади. Инглиз тилида эса бундай ҳолатлар кучайтирувчи равишлар ёрдамида амалга оширилади.

б). сифатни синоними билан биргаликда қўллаш орқали маъно кучайтирилиб, синоним сўзлар тире орқали ёзилади ва ҳар иккала сўз урғу олади. Масалан: **қинғир-қийшиқ** (кривой—согнутый), “совсем искривленный”; **эгри-бугри** (кривой — горбатый) “совершенно кривой”, “весь изогнутый”; **пишиқ-пухта** (крепкий — тщательный), “очень основательный”;

Инглиз тилида бундай ҳолат кузатилмади.

с). морфологик усул: бунда белгининг меъёрдан ортиқлигини ифодалашда қўлланивчи интенсив форма бирор предмет белги хусусиятини бошқа предметдаги шундай белги хусусияти билан қиёс этилмаган ҳолда ортиқлигини ифодалашга хизмат қилади. Урғу биринчи бўғинга тушади. Масалан: **қип-қизил**— “совершенно красный”; **қоп-қора** — “совершенно черный”, “черный-пречерный”;

сап-сариқ – “совершенно желтый”, “желтый-прежелтый”; **оппоқ** – “совершенно белый”, “белый-белый”; **ям-яшил** – “совершенно зеленый”; **қўм-қўк** – “совершенно синий” || “зеленый”, “синий-синий” || “зеленый-зеленый”; **дум-думалоқ** – “совершенно круглый”; **бус-бутун** || **бут-бутун** – “совершенно целый”, “целиком”. Баъзи ҳолларда ажратиб олинган икки *л* товушини қўшиш орқали ёпиқ бўғин ҳосил қилинади ва унга ясама бўғин *ла* қўшилади: **соппа-соғ** – “совершенно здоровый”; **тўппа-тўғри**, “совершенно прямой”; **қуппа-қуруқ** – “совершенно сухой”.

д). лексик усул. Бу усулда **энг** – “самый”, **жуда** – “очень”, **ғоят(да)** – “очень”, “весьма”, **ниҳоят(да)** – “весьма”, “крайне”, **энг яхши** – “самый хороший”, (наи)лучший; **жуда чиройли** – “очень красивый”; **ғоят(да) совуқ** – “очень холодный”; **ниҳоят(да) иссиқ** – “чрезвычайно горячий”; Шунингдек **барча**, **ҳамма**, **бариси**, “все”, “всё” – **барчасидан** || **ҳаммасидан** || **баридан кучли** – “сильнее всех”; **барчасидан** || **ҳаммасидан** || **баридан яхши** – “лучше всех”. Масалан: 1. Фақат унинг тенгсиз ҳуснига оддий бир жўн одам сифатида пол бўлиб турибман, холос (Саид Аҳмад). 2. ...бениҳоя қора кўринган мўйлови ўзига жуда ярашган.... (А.Қаҳҳор). 3. Дарҳақиқат, ёнбағирлар бекиёс чиройли эди (Саид Аҳмад). 4. Тун шу қадар сокин, ҳаво шу шу қадар майин (П.Қодиров). 5. Тўғриси айтганда, бойлар ўта ноинсоф, бағри тош одамлар (Ойбек).

Инглиз тилида эса мазкур вазифани кучайтирувчи равишлар бажаради.

Инглиз тилида сифат даражалари англатган маънони янада кучайтириш учун қиёсий ва орттирма даража шаклларига *much*, *far*, *by far*, *still*; *even* каби сўзлар қўшилиши мумкин. Масалан:

much longer – анча узун,

much more difficult – анча қийин,

far cleverer – анча ақлли,
far more difficult – анча қийин, қийинроқ
still better – анча яхши, яхшироқ
still more difficult – анча қийин, қийинроқ
even bigger – анча каттароқ, каттароқ
even more difficult – анча қийин, қийинроқ
by far the biggest – энг катта, жуда катта
by far the most difficult – жуда қийин, энг қийин

This is by far the best. Moscow is far bigger than Tashkent.

Well, we won't have much more of this weather, he said (Th.Dreiser).

And then when it came to the time for me to leave Galway and come up to the convent he was much worse and I wouldn't be let see him, so I wrote him a letter

(7. Joyce).

His pulse was much better, his respiration was normal and his humidity had sunk to three-thirty (Frank Saluan). On the other hand, people of my own age are so much older than I am. *(Conn Ford).*

Инглиз тилида сифат ифодалаган рангни кучайтириш учун *dark* (корамтир) сифати ишлатилади. Масалан: *dark green* – тўқ яшил, *dark brown* – тўқ жигарранг, *dark red* – тўқ қизил.

Possible сўзининг сифат даражаларидан кейин ишлатилиши ҳам маънони кучайтириши мумкин. Масалан: *the largest thing possible* – энгкатанарса, *the most beautiful thing possible* – энгчиройлинарса.

Тадқиқот натижаларидан шуни англаш мумкинки, сифат маъносини кучайтириш ёки кучсизлантириш тадқиқ этилаётган ҳар учала тил учун ҳам хос бўлиб, тилда турлича ифода воситаларига эга. Сифатларни такрор қўлланиш ҳолатлари кўпроқ ўзбек тили учун хос бўлиб, рус тилида *пре* – олд қўшимчаси ёрдамида ифодаланиб, инглиз тилида эса яхши шаклланмаган.

Адабиётлар:

1. Абдуазизов А. Тилшуносликка кириш. II қисм. Лексикология ва семасиология. Грамматика – Т.: ЎзМУ, 1999.
2. Абдуллаев А. Интенсивликни ифодаловчи аналитик формалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1973. - № 1.
3. Азнаурова Э.С. Очерки по стилистике слова. – Т.: Фан, 1973.
4. Арбекова Т.И. Лексикология английского языка (Практический курс). – М.: Высшая школа, 1977.
5. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка (стилистика декодирования). – Л.: Просвещение, 1973.
6. Сергеева Е. Н. Степени интенсивности качества и их выражение в английском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1967.

(Тақризчи: М.Ҳақимов, филология фанлари доктори).